



TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI

AKSIYADORLIK JAMIYATI

30.07.2024 № 270/4-3334

“Янги Авлод Махсус Саноат Зонасини Бошқарувчи Компанияси” МЧЖга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 мартдаги ПҚ – 138 – сонли Қарорига мувофиқ Янгихаёт туманида “Янги авлод” махсус саноат зонасини ташқи ичимлик ва оқава сув тармоқларига улаш учун техник шарт сўраб ёзган 2024 йил 10 июлдаги 01/16 – сонли хатингизга қуйидагиларни маълум қилади:

Янгихаёт туманида “Янги авлод” махсус саноат зонаси жойлашган ҳудуд Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига қўшилган бўлиб, ушбу манзилда марказлашган ичимлик ва оқова сув тармоқлари мавжуд эмас. Ушбу махсус саноат зонасини ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати билан таъминлаш учун:

Ичимлик сув таъминоти бўйича:

“Янги авлод” махсус саноат зонасида умумий қуввати 21,6 минг м³/сут бўлган 7 та ер ости сув олиш қудуқлари орқали (техник ва ичимлик) сув таъминоти ҳал этилсин. Узлуксиз ичимлик сув таъминоти таъминлаш учун объектда тоза суви хавзаси (резервуар) қурилиши ҳамда насос агрегати ўрнатилиши кўзда тутилсин.

Оқава сув бўйича:

Махсус саноат зонасида умумий қуввати 17,5 минг м³/сут бўлган локал оқова сув тозалаш иншооти қуриш орқали (саноат ва ҳўжалик сувларини тозалаш учун) ҳал этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820 – сонли қарори ҳамда 2010 йил 3 февралдаги “Коммунал ҳўжалик тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11 – сонли қарори талабларига асосан ишлаб чиқаришдан чиққан оқава сувлар локал тозалаш иншоотида дастлабки (бирламчи) тозаланиши шарт.

**“Тошкент шаҳар
сув таъминоти” АЖ бош муҳандиси**
Ижрочи Тел. 252-19-56

У.Х.Меликов



toshkent@uzsuv.uz
suvsoz.t@exat.uz



+998 71 252 19 83



100060, Toshkent shahri, Fidokor
ko'chasi, 2-uy

